



## АХОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА БУ БОРАДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎРНИ

**Sharobiddinov Nurbek Ulug‘bek o‘g‘li**

Хар бир давлатнинг куч-қудрати унинг иқтисодий, молиявий, харбий, сиёсий ва бошқа котигориялари билан белгиланади ва бошқа давлатлар билан солиштирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, аҳолининг иқтисодий обрўсига салбий таъсир этадиган бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, улрдан бири бу ишсизлик даражасининг ортиб кетишидир. Ишсизлик шундай муаммоки, у ўз ортидан бир қанча бошқа турдаги муаммоларини келтириб чиқаради. Масалан, оиласидаги моддий қийинчиликларни енгиш учун инсонлар бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг мулкига тажоввуз қилишдан ҳам тойишмайди. Шунинг учун ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларини олдини олиш йўналишида иш олиб борадиган ходимлари аҳолининг ишсиз ва кўмакка мухтож қатламига ёрдам бериш бўйича ҳамкорлик асосида иш билан таъминловчи ташкилотларга ёрдам бериб келмоқдалар. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Ушбу ғоя асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон Фармонининг қабул қилиниши, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш, ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилиш белгилаб берилган. Шу билан бирга, ушбу фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига тўхтаб ўтилган ва унга кўра, жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробадия назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирини тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан



қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик; жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши каби йўналишлари белгиланган. Ушбу фармонда, секторлар ҳисобида жиноятларни олдини олиш борасида, секторлар кесимидаги маҳаллалар “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудудларга ажратилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширишда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган шахслар билан олиб борилаётган тадбирлар ҳамда аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса меҳнат органлари ролини ошириб улар билан ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда бандлиги таъминланмаган фуқароларни бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг республикаимиз ҳудудларида жошлаган бўлим (бўлинмалари), аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда аҳолини касб-хунарга ўқитиш (КОИСА) ўқув марказлари билан ҳамкорликда касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш чора-тадбирларининг самарали амалга оширилишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект сифатида меҳнат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш, жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишини олдини олиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект сифатида меҳнат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда ва шу қаторида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга,



бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубиятларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда, муҳим иэтимой масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлатиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учрамоқда.

Шу билан бирга, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубиятларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлатиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учрамоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қабул қилинган фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил қилинди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон Фармони

3. Амиров З А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, доцент Х.Т. Маматов. – Т.: «LESSON PRESS», 2016.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ:Қонунга шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон Фармони// URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);